

**БУХОРОДА ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЭТНОБОТАНИК МАЪЛУМОТЛАРИ.****Ҳайдарова Севинч Алижон қизи***Бухоро давлат педагогика институти, Аниқ ва табиий фанлар
факултети, кимё йўналиши 1-курс, 24-гуруҳ талабаси***Эшонкулов Алижон Ҳайдарович***Бухоро давлат тиббиёт институти Биокимё кафедраси ассистенти, (PhD)
Тел: 90:711-72-45 eshonkulov.alijon@bsmi.uz*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятида ёввойи ҳолда тарқалган доривор ўсимликларнинг маҳаллий аҳоли томонидан фойдаланиши тўғрисидаги этноботаник маълумотлар ёритилган. Доривор ўсимликлар қадимдан инсонлар томонидан касалликларнинг профилактикаси ва даволаш мақсадларида ишлатилиб, уларнинг анъанавий шифобахш маҳсулотлари сифатида фойдаланиб келинган. Бу эса, маҳаллий аҳолининг ўсимликлар билан доимий алоқаси ва улардан турли соҳаларда фойдаланиши бўйича ўзига хос локал билимларининг ривожланишига олиб келган. Ҳозирда мавжуд бўлган ушбу қимматли маълумотларни йўқолишидан олдин ҳужжатлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бухоро вилоятига оид этноботаник маълумотлар ўта сийрак, тасодифий, қамрови чекланган, таксономик номувофиқликларга тўла, аммо қимматли. Ушбу тадқиқот иши ҳозиргача сақланиб қолган этноботаник билимларга асосланган ва маҳаллий доривор ўсимликлар ҳақидаги интеграцион билимларни тақдим этишга қаратилган.

Калит сўзлар: Бухоро вилояти, қадимги, шифобахш, доривор ўсимликлар, этноботаник билимлар, ахборот, маҳаллий, респондент ва тадқиқот.


Объект ва усуллар. Маълумот тўплаш учун асосан маҳаллий тилларда олиб борилган сўровнома (анкета) усули ва гуруҳ муҳокамаларидан фойдаланилди. Бухоро вилоятининг доривор ўсимлик турларини аниқлашда “Флора Ўзбекистана” [9] “Определитель растений Средней Азии” [7], TASH гербарийлари, Ю.К. Виноградова ва бошқ. [4], С.Р. Майоров ва бошқ. [6], Ҳ. Қ. Эсанов [10,13] маълумотларидан фойдаланилди. Доривор ўсимликлар Г.Ж. Абдиниязова [1,2], Р.Х. Аюпов [3], В. Каримов ва бошқ. [5], А. Усманходжаев [8], Ҳ.Қ. Эсанов [10], Қ.Х. Ҳожиматов [12] маълумотлари асосида келтирилди [11].

Тадқиқот ҳудуди: Бухорони ўраб турган ҳудуд ўзига хос иқлимга эга. Унинг табиати қуруқ ерларга хосдир, чунки унинг ҳудуди очиқ денгиз ва океанлардан минглаб километр узоқликда жойлашган [14]. Ички ҳавзага кирган ҳудудлардан бири мўътадил иқлимдан субтропик иқлимга ўтиш арафасида турган Бухоро вилоятидир. Бу жойлашув географик жиҳатдан иқлимнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бухоро воҳаси иқлимини ёзи қуруқ ва тропик ҳаво

массалари иборат. Қиш эса шимолдан мўътадил кенгликлардан келаётган қишки салқин ҳаво массалари ташкил қилади. Кўпгина омилларнинг ўзаро таъсири минтақанинг иқлимини шакллантиради. Бироқ, бу борада мамлакат ҳудудининг жойлашуви ҳал қилувчи аҳамиятга эга[11].

Бухоро вилояти Ўрта Осиё чўллари билан ўралган ва жанубий (субтропик) чўлларга хос иқлимга эга. Қисқа қилиб айтганда, бу ҳудуднинг иқлими кескин континентал чўлдир [10].

Бу ҳудудда табиий намлик етарли эмас. Йилига 90–150 мм ёғин тушади. Бухоро ҳудуди шу маънода ниҳоятда қурғоқчил зонага киради. Ёғингарчилик кўпинча ёмғир шаклида тушади. Қор қоплами беқарор, мўрт ва қисқа муддатли. Ёғингарчилик йил давомида жуда нотекис тақсимланади. Йиллик ёғингарчиликнинг 45–55 фоизини ташкил этган ҳолда, баҳор энг қизғин фасл ҳисобланади. Ёз ойлари жуда қуруқ, нисбий намлиги паст; июл ва август ойларининг маълум кунларида 10% дан-20% фоизгача тушади. Бухоро воҳаси чўл билан чегарадош бўлганлиги учун унинг ҳудудида ўсадиган ўсимликлар биоэкологиясига шамол катта таъсир кўрсатади. Айниқса, об-ҳаво узоқ вақт иссиқ бўлган йилларда шўр ботқоқлар ва қумлоқ ерлар кенгаяди [11].



Расм 1. Бухоро вилоятининг географик харитаси.

Кириш: Қадим замонлардан бери мавжуд бўлган кўплаб маҳаллий билим тизимлари турли мамлакатларда анъанавий тиббиёт амалиёти билан боғлиқ. Илмий табобатдан фарқ қиладиган ҳар қандай қадимий маданиятга асосланган тиббиёт амалиёти анъанавий тиббиёт деб аталади. Ўсимликлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида дори сифатида ишлатилади. Қадим замонлардан бери ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари инсоният маданиятини яхшилаган. Бироқ, кўпчилик ўсимлик турларининг бизнинг атроф-муҳитимиз учун

қанчалик муҳимлигини ўзимиз билмаймиз. Этноботаник билимлар ва анъанавий тиббиёт муолажалари илмий тадқиқотнинг муҳим таркибий қисмидир, айниқса дала маълумотлари ва адабиётлар диққат билан баҳоланганда унинг нақадар қимматли эканлиги маълум бўлади. Этноботаник тадқиқотларнинг асосий мақсадларидан бири турли этник гуруҳлар ёки жамоалар маҳаллий ўсимлик ресурсларидан қандай фойдаланиши ҳақидаги маҳаллий билимларни ҳужжатлаштиришдир [11,14].

Этноботаник тадқиқотлар одатда озчилик ва маълум маҳаллий халқларга қаратилган. Маҳаллий билим тизимлари қишлоқ жамоаларини яхшилаш учун ишлаётган режалаштирувчилар ва олимлар учун, шунингдек, улар келган маданиятлар учун муҳимдир [13,14]. Бухоро вилоятининг айниқса, узоқ қишлоқлар аҳолисининг чўллар билан узлуксиз алоқаси, чўл ўсимликлари ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўзига хос маҳаллий билимларнинг ривожланишига олиб келган. Ҳозирда мавжуд бўлган ушбу кадрли маълумотларни йўқолишидан олдин ҳужжатлаштириш муҳимдир. Шу сабабли ушбу тадқиқот ишида ҳозиргача сақланиб қолган этноботаник билимларга асосланган ҳолда Бухоро вилоятининг доривор ўсимликлари ҳақидаги интеграцион маълумотларни тақдим этишга қаратилган [11].

Тадқиқот натижалари: Маълумот тўплаш асосан маҳаллий тилларда олиб борилган сўровномалар ва анкетелар шаклида Бухоро вилоятининг барча туманларини қамраб олди. Этноботаник тадқиқотларнинг муҳокамаси учун 249 нафар ахборот берувчилар (182 эркак ва 67 аёл) тасодиқий танлаб олинди. Этноботаник суҳбатларда қатнашган маълумот берувчиларнинг ёши ўттиздан саксон ёшгача бўлиб, ахборот берувчиларнинг аксарияти ёки 34,1%и 61-70 ёшдагиларни ташкил этади. Йиғилган маълумотларга кўра, этноботаник билимлар ёшга қараб ошиб борган ва одамларнинг профилактика ёки даволаш учун табиий маҳсулотларга бўлган қизиқиши ортиб бораётгани, шунингдек, кекса одамлар одатда кимёвий дори-дармонлардан жиддийроқ таъсирга дучор бўлишлари билан изоҳланиши мумкин[11,14].

Ахборот йиғилган иштирокчилар орасида ўсимликшунослар, тадбиркорлар, ўт ва зираворлар сотувчилар, шифокорлар, чўпонлар, фермерлар, ўрмончилар ва кекса нафақахўрлардан ташкил топган. Ахборот берувчиларнинг ижтимоий аҳволи таҳлили шуни кўрсатдики, респондентларнинг этноботаник билимлари ва қобилиятлари уларнинг саводхонлик даражаси ошгани сайин, ахборот бериши пасайган. Таълим даражаси юқори бўлган одамлар анъанавий тиббиётдан кўра замонавий тиббиёт тизимларини афзал кўришади, қуйидаги жадвал эса ушбу вазиятни тушунтиришга ёрдам беради.

Этноботаник маълумотларни йиғишда шаҳардан қишлоқ томон борган сари ахборот берувчиларнинг ўсимликлардан фойдаланиш коэффициенти ортиб боради. Бунга сабаб сифатида қишлоқ шароитида замонавий тиббий

хизматларидан кўра этнотиббий хизматлар ёки билимларни афзал кўришлари ва шифохона ёки амбулаториялардан масофанинг узоқлиги бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда қишлоқ шароитида яшовчи ахборот берувчиларнинг кўпчилигини ёши улуғ инсонлар ташкил этганлигидир[11,14].

Тадқиқот натижасида доривор ўсимликларнинг қуйидаги асосий қисмлари ишлатилади; барглари (52,4% ёки 44 тур), пояси (32% ёки 27 тур), меваси (31% ёки 26 тур), илдиз (27% ёки 24 тур), уруғлардир. (20% ёки 17 тур), гуллар (11% ёки 9 тур) ва бошқа қисмлари (илдиз, пўстлоқ, майизи, бошоқ, ғўза, чигит пўстлоғи, уруғ тумшуқчаси) 11% (9 тур) фойдаланишини ташкил қилади. Этнотиббиётда кенг қўлланиладиган турлар 10 та оила таркибидан аниқланди ва улар умумий турлар сонини 58% ни ташкил этди[11,13].

Бухоро вилоятида олиб борилган этноботаник тадқиқотлар давомида 84 тур ўсимликлар аниқланган бўлиб, бу турлар 72 туркум ва 39 оилага мансуб. Ўсимликларнинг ҳаётий шаклларига кўра таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ўт ўсимликлар этноботаникада энг кўп қўлланиладиган ўсимликлар бўлиб, аниқланган барча ўсимликларнинг 94% ни ташкил қилади. Аниқланган 84 турдан 48 таси табиий ва 36 таси маданий етиштирилади. Бу ҳолатни маҳаллий халқни ўсимликларни тур даражасида эмас балким туркум даражасида яхши фарқлай олиши билан изоҳлаш мумкин. Ҳаётий шакли бута (2 тур) ва дарахт (3 тур) ўсимликлар (жами 5 тур) жуда кам бўлиб, умумий ўсимликлар сонига нисбатан атиги 6 % ни ташкил этди [11,14].

Хулоса: Ўрганилаётган ҳудуддан тўпланган этноботаник маълумотлардан қуйидаги илмий хулосалар чиқариш мумкин. Биринчидан, этноботаник маълумотлар тўпланиши мумкин бўлган деярли бутун аҳолини деярли 60,6%ини ёши катта инсонлар ташкил қилади ва вақт ўтиши билан бу билимларни сақлаб қолиш имконияти камаяди (анъанавий тиббиётнинг бой тажрибаси). Иккинчидан, доривор ўсимликлар тўғрисидаги ноёб маълумотлар одатда, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Анъанавий тиббиёт, яъни халқ табobati билан шуғулланадиганлар ҳам одатда ёши каттароқ бўлиб, улар ўз билимларини бегона шахсларга тўлиқ ўтказмайдилар. Учинчидан, ҳудудда доривор ўсимликлар кўп бўлишига қарамай, улар ҳақида маҳаллий аҳоли етарли даражада хабардор эмас ёки ўсимликнинг шифобахшлиги ҳақида маълумотга эга эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдиниязова Г.Ж. Қорақалпоғистоннинг доривор ва асал-ширали ўсимликларнинг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари. Биол. фан. фалс. док. дис. автореф. – Тошкент. 2017. – 46 б.
2. Абдиниязова Г.Ж. Қорақалпоғистон Республикасининг доривор ўсимликлари. Тошкент: “BAYOZ” 2017. – 168 б.

3. Аюпов Р.Х.. Доривор ўсимликлар ва улардан фойдаланиш. 3-китоб. Ташкент: -2012.
4. Майоров С.Р., Бочкин В.Д., Насимович Ю.А., Щербаков А.В. Адвентивная флора Москвы и Московской области. – М.: КМК. 2012. - 412 с.
5. Определитель растений Средней Азии. В 11 - х т. – Ташкент: Фан, 1968 – 2015.
6. Усманходжаев А., Баситханова Э.И., Пратов Ў.П., Джаббаров А., Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий энциклопедияси. I том; Ўзбекистон: Янги аср авлоди, - 2018.
7. Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: АН УзССР, 1941-1963.
8. Эсанов Ҳ.Қ. Бухоро воҳасининг доривор ўсимликлари ва уларнинг тарқалиши. ЎЗМУ хабарлари. Тошкент, 2018. №3/2. – Б. 219-226.
9. Эшонкулов, А. Х. (2024). БУХОРОНИНГ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ ҲАҚИДА ЭТНОБОТАНИК БИЛИМЛАР. ЎЗБЕКИСТОН. WORLD OF SCIENCE, 7(10), 130-136.
10. Ҳожиматов Қ.Ҳ., Йулдошев К.Й., Шоғуломов У М., Хожиматов О.К. Шифобахш гиёҳлар дардларга малҳам (фитотерапия). - Тошкент: Ўзбекистон, - 1995.
11. Esanov H.K. The alien fraction of the flora of Bukhara oasis. Stapfia Reports. – Austria, 2016. – № 105. – P. 92-98.
12. Назаров И.К., Аллаёров И.Ш. Бухоро географияси. – Бухоро: Университет, 1994. – 66 б.
13. Makhkamov, T., Eshonkulov, A., Bussmann, R. W., Khojimatov, O., Zafar, M., Ahmad, M., ... & Po'latova, A. (2024). Ethnobotanical knowledge of medicinal plants from Bukhara Region of Uzbekistan. Ethnobotany Research and Applications, 27, 1-46.
14. Haydarovich, E. A., & Kurbanovich, E. H. (2022). Ethnobotanics of Certain Medicinal Plants of Bukhara Region (Uzbekistan). American Journal of Plant Sciences, 13(3), 394-402.